**Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2023 йил 11 апрель куни “Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан**

**МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 2023 йилда ҳар бир туман (шаҳар)да **ёшлар билан ишлаш бўйича қуйидаги 4 та йўналишда тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш**:<br>1. Ёшлар бандлигини таъминлаш;<br>2. Ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бўш вақтини тўғри ташкил қилиш;<br>3. Ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;<br>4. Ёшларда соғлом фикр ва дунёқарашни шакллантириш ҳамда уларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари | **Бажарилмоқда.**<br>2023 йилда ҳар бир туман (шаҳар)да **ёшлар билан ишлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.**<br>**Ёшлар бандлигини таъминлаш.**<br>Топшириққа мувофиқ, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мактаб битирувчилари ва ишсиз ёшларнинг “фуқаробай” бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган “Ёшлар бандлиги дастурлари” ижросини сифатли таъминлаш, тарғибот ва тушунтиришлар орқали норасмий секторда банд бўлган ёшларни ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига “яшил” тоифага ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.<br>Бугунги кунда дастурга киритилган 273 382 нафар ишсиз ёшлардан 216 715 нафари (79 фоизи)нинг бандлигин таъминланди.<br>Шунингдек, жорий йилда 381 522 нафар ўқувчи ёшлар битириб, 154 453 нафари олий таълимга қабул қилинган, 31 339 нафари профессионал таълимда ўқишни давом эттиришни режалаштирилган.<br>Мониторинг натижаларига кўра, 195 730 нафар меҳнат бозорига кириб келган битирувчиларнинг 188 872 нафари |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | (96 фоизи) бандлиги таъминланган.<br>**Ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бўш вақтини тўғри ташкил қилиш.**<br>Жорий йил “Беш ташаббус олимпиадаси” иккинчи мавсумидага танлов ва спорт мусобақаларида иштирок этиш учун 5tashabbus.uz сайти орқали республика бўйича жами 7 млн. 245 минг 262 нафар ёшлар электрон рўйхатдан ўтди.<br>Мактаб ўқувчилари ўртасидаги лойиҳаларда қатнашиш учун жами 2 млн. 447 минг 819 нафар ёшлар, профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган 107 минг 631 нафар ўқувчи-ёшлар, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 107 минг 28 нафар талаба ёшлар танлов ва мусобақаларда иштирок этиш мақсадида онлайн рўйхатдан ўтган.<br>**Ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.**<br>Ҳар бир маҳаллада ёшлар баланси шакллантирилди, бу орқали 9 миллион нафар ёшлар 3 тоифага ажратилиб (396 минг - “оғир”, 4,8 млн - “ўрта”, 4,2 млн - “яхши”), улар билан индивидуал ишлаш тизими жорий этилди.<br>“Ёшлар баланси” асосида 396 минг нафар (4 фоиз) “оғир” тоифадаги ёшлар 6 755 нафар раҳбарларга номма-ном бириктирилиб, улар билан манзилли ишлаш бўйича “фуқаробай” кўмаклашиш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб ижрога қаратилди.<br>Натижада, ўтган даврда “оғир” |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | тоифадаги ёшлар билан ишлаш натижасида уларнинг 146 625 нафари (37 фоизи) тоифадан чиқарилди.<br>Масъул раҳбарлар томонидан ўтказилган учрашувлар давомида жами 179 809 нафар ёшларнинг муаммолари аниқланган ҳамда шундан, 171 790 нафар (96 фоиз) ёшларнинг мавжуд муаммолари ҳал этилган.<br>**Ёшларда соғлом фикр ва дунёқарашни шакллантириш ҳамда уларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик.**<br>Жорий йилнинг 9 ойи давомида ёшлар томонидан 24 216 та (2022 йилда 23 186 та) жиноят содир этилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 4,4 фоизга (1 030 тага) ошган.<br>Жумладан, ҳудудлар кесимида Навоийда 0,3 фоиз (634/632) камайган бўлса, Қашқадарёда 22 фоиз (1 155/1 409), Хоразмда 13,3 фоиз (519/588), Сурхондарёда 11,2 фоиз (1 173/1 304), Тошкент шаҳрида 3,4 фоизга (5 295/5 473) ошган.<br>Таълим муассасаларида ўқувчи ва талаба ёшлари радикаллашувининг олдини олиш бўйича октябрь ойида олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида **2 138** (йил бошидан **11 457**) маротаба **“Жаҳолатга қарши маърифат”** шиори остида маънавий-марифий тарғибот тадбирлари ўтказилди. |
| 2. | **Чироқчи** (Н.Эркаев), **Касби** (Т.Мейлиев), **Ургут** (Б.Жабборов), **Шеробод** (З.Халилов), | Уч кун муддатда | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), | **Бажарилмоқда.**<br>Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | **Ангор** (Қ.Мардонов), **Узун** (Х.Бозоров), **Музработ** (А.Исмаилов), **Амударё** (С.Йўлдашев), **Деҳқонобод** (З.Алиқулов), **Олтинсой** (Б.Махматраимов), **Шароф Рашидов** (М.Холбўтаев), **Асака** (Б.Умматов), **Қамаши** (Б.Тоғаев), **Тахиатош** (Д.Қурбонов), **Пешку** (В.Қаҳҳоров) туманлари ва **Термиз шаҳри** (Ў.Тўраев) ҳокимларини ёшларнинг бандлигини таъминлашда йўл қўйган камчиликлари учун **қатъий огоҳлантириш**.<br>Ушбу туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйиш ва ўз ҳудудида ёшлар орасида **ишсизликни кескин камайтириш**. | Уч ой муддатда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари<br>Тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари | томонидан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилиб, ўз ҳудудида ёшлар орасида ишсизликни камайтириш чоралари кўрилмоқда. |
| 3. | Хориждаги "ҳужралар"да юрган **3 мингдан ортиқ** мактаб ўқувчиларининг оилалари билан шахсан шуғулланиш ва ушбу болаларни **Ватанга қайтариш**. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.Камилов, Дин ишлари бўйича қўмита (С.Тошбоев), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилмоқда.**<br>Ноқонуний диний таълим олиш учун хорижга чиқиб кетган болаларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари билан уларни қайтариш юзасидан октябрь ойида **1 370** (йил бошидан **8 182**) маротаба тушунтириш тадбирлари ўтказилди.<br>Натижада, октябрь ойида **227** (йил бошидан **2 041**) нафар вояга етмаган ёшлар ватанига қайтарилди, **25** (йил бошидан **545**) нафар вояга етмаганларнинг хорижга чиқиб кетишини олди олинди.<br>*Асос: Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 23 октябрдаги 02-06/318-сонли алоқа хати.* |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига **50 нафардан эътиборга муҳтож ёшларни номма-ном бириктириш;**<br>бириктирилган раҳбарлар томонидан **ҳар ойда камида икки маротаба** ушбу ёшлар билан учрашиб, уларнинг **касб-ҳунар ўрганиши ва кредит, субсидия, кафиллик** масалаларини ҳал қилиш орқали **бандлигини таъминлаш** бўйича янги тизимни **амалиётга жорий қилиш**.<br>Ушбу ёшлар муаммоларини ҳал этиш учун мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар, тижорат банклари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажатиш. | Бир ой муддатда | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, А.Саъдуллаев), мутасадди вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилган.**<br>Топшириққа асосан, **6 755 нафар** вазирлик, идора, вилоят ва туман (шаҳар) секторлари, ташкилот раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларига “давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож алоҳида ажратиб олинган **395 минг 768 нафар** “оғир” тоифадаги ёшлар бириктирилди.<br>Вазирлик ва идора раҳбарларига бириктирилган “оғир” тоифадаги ёшлар билан учрашувларга кўмаклашиш ва учрашувда ёшлар томонидан кўтарилган масалаларни мониторинг қилиш бўйича **34 нафар** масъул ходимдан иборат марказий ҳамда ҳудудий штаблар фаолияти йўлга қўйилди.<br>Учрашувларни янада самарали ташкил қилишга кўмаклашиш мақсадида ҳар бир ташкилотга масъул ходимлар бириктирилди.<br>Республика штаби томонидан ушбу тоифадаги ёшлар билан ишлаш ҳолати доимий мониторинг қилиб борилмоқда.<br>“Оғир” тоифадаги **396 минг нафар** эътиборга муҳтож ёшлар **6 755 нафар** раҳбарларга бириктирилди.<br>Раҳбарлар томонидан ўзларига бириктирилган ёшлар билан ўтказилган учрашувларда **178 минг нафар** йигит-қизларнинг турли муаммолари аниқланиб, **166 минг нафарининг** *(93 фоиз)* ижтимоий-иқтисодий муаммолари бартараф этилди. |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирлари томонидан ўзларига бириктирилган **ёшларнинг ота-оналарига фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш режалари юзасидан хат ёзиб, етказиш**. | Бир ой муддатда | Мутасадди вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман ва шаҳар ҳокимлари | **Бажарилган.**<br>Вазирлик, идора, ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳудудий ҳокимлик, ташкилот ва идора раҳбарлари жами ўзларига бириктирилган **371 минг 189 нафар** ёшларнинг ота-оналарига хат ёзиб етказишди. |
| 6. | Расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол **4,6 миллион нафар ёшларни масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга бириктириш** тизимини йўлга қўйиш.<br>Ушбу ёшлар муаммоларини ҳал этиш учун мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар, тижорат банклари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажатиш.<br>Масъулларга бириктирилган ушбу тоифадаги ёшлар бўйича аниқ ҳисоб-китоб билан янгича ишлаш тизими ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида **тақдимот қилиш**. | Икки ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов, Ж.Жураев), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), мутасадди вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | **Бажарилмоқда.**<br>Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол “ўрта” тоифадаги (норасмий банд, ишсиз, миграцияга кетган, вақтинча ишламаётган, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган) **4,6 млн нафар** ёшларни йўналишлар кесимида масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга **бириктириш тизими ишлаб чиқилди**.<br>Ушбу ёшлар муаммоларини ҳал этиш учун мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамда таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратиш белгиланди.<br>Бириктирилган масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга услубий кўмаклашиш мақсадида “ўрта” тоифадаги ёшлар билан ишлашнинг янгича механизмларига бағишланган **услубий қўлланма** ишлаб чиқилди.<br>Шунингдек, масъул вазирлик, идора ва |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ташкилотларга бириктирилган “ўрта” тоифадаги ёшлар билан янгича ишлаш тизими тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятига 2023 йил 21 июнь куни бўлиб ўтган ташрифи давомида Президент маслаҳатчиси Қ.Қуранбаев, Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари Ж.Жўраев томонидан Президент ҳузурида тақдимот қилинди. |
| 7. | **Ёшларни ишга қабул қилиш тизими**ни тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.<br>Бунда, ҳар бир вазирлик ва идора томонидан ўз тармоғидаги **касбларга малака талабларин**и белгилаш, бу талабларда **70 фоиз** касбларга **ўрта махсус, 30 фоизи**га **олий маълумот** талаб этиладиган тизимни йўлга қўйиш. | Икки ой муддатда | Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров)<br>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев),<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), мутасадди вазирлик ва идоралар | **Бажарилган.**<br>Ҳар бир вазирлик ва идора томонидан ўз тармоғидаги касбларга малака талабларини белгилаш, бу талабларда 70 фоиз касбларга ўрта махсус, 30 фоизига олий маълумот талаб этиладиган тизимни йўлга қўйиш мақсадида барча тармоқларга 2023 йилнинг 9 июнь куни ЗООМ орқали тушунтиришлар берилди.<br>Ҳозирги вақтга келиб барча тармоқ кенгашлари томонидан тегишли таклифлар йиғиб олинди.<br>Ушбу таклифлар қайта ишланиб, Вазирликнинг 2023 йил 29 июндаги 01/00-01/15-5711-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.<br>Юқоридагиларга кўра, ҳар бир вазирлик ва идора томонидан ўз тармоғидаги касбларга малака талабларини белгилаш, бу талабларда **70 фоиз** касбларга **ўрта махсус**, **30 фоизига олий маълумот** талаб этиладиган тизимни йўлга қўйиш бўйича қуйидаги таклиф тақдим этилади:<br>1) Вазирлик ва идоралар томонидан |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг **тармоқ тариф-малака маълумотномаларини** қайта кўриб чиқиш ва **унда** касбларга малака талабларини белгилашда **70 фоиз касбларга ўрта махсус, 30 фоизига олий маълумот талаб этилишини кўрсатиш;**<br>*Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорининг 3-бандида ҳар бир лавозим ва касб бўйича таълим ва малака даражасига қўйиладиган талаблар Малака даражаларига эришиш схемасига мувофиқ тегишли лавозим (касб)нинг малака даражасидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан мустақил белгилаши ва 7-бандида хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини тармоқ кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш кўрсатилган.*<br>2) Вазирлик ва идоралар штатлар жадвалини шакллантиришда **ишлаб чиқариш ходимлари тоифаларини жами лавозимларнинг 20 фоизи** ташкил этиш лозимлиги бўйича талаб белгилаш;<br>*Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон Фармони 4-банди учинчи хатбошида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар вазирлик ва* |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | *идораларга юклатилган вазифаларни хатловдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларни киритиш бўйича штат нормативларини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича топшириқ берилган.*<br>3) Малакаларни баҳолаш марказлари томонидан касб имтиҳони кўринишида малакаларни мустақил баҳолашни ўтказиш қоидалари, шу жумладан **ходимда катта касбий тажриба бўлган тақдирда**, уни таълим ва касбий тайёргарлик бўйича талаб этиладиган тегишли даражадан **юқорироқ бўлган лавозимлар (касблар)га ишга олишга йўл қўйилиши ҳақида** малакаларни баҳолаш маркази томонидан тасдиқланишининг **механизмини ишлаб чиқиш**;<br>*Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори 1-иловаси бўлган Малака даражаларига эришиш схемасининг изоҳ қисми биринчи хатбошида ходимда малакаларни баҳолаш маркази томонидан тасдиқланган катта касбий тажриба бўлган тақдирда, истисно тариқасида, уни таълим ва касбий тайёргарлик бўйича талаб этиладиган тегишли даражадан юқорироқ бўлган лавозимлар (касблар)га ишга олишга йўл қўйилиши кўрсатилган.*<br>*Асос: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 24 июлдаги 01/00-02/13-10296-сонли хати.* |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | *Асос: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 11 сентябрдаги 03/18-4/1-5269-сонли алоқа хати.* |
| 8. | Вазирлик ва идоралар томонидан олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига **буюртма бериш**. | 2024 йилдан бошлаб ҳар йили февраль ойига қадар | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), мутасадди вазирлик ва идоралар | **Бажарилмоқда.**<br>Вазирлик ва идоралар томонидан олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига **буюртма бериш** тизми ишлаб чиқилмоқда.<br>2023-2024-ўқув йили учун касб-ҳунар мактабларига қабул параметрлари вазирлик томонидан тасдиқланди. **330 та** касб-ҳунар мактабида **109 та** касблар бўйича қабул режа **98 042 та** этиб белгиланди. Шундан, кундузги таълим шакли бўйича – **93 310 та**, Дуал таълим шакли бўйича – **4 732 та**ни ташкил қилади. |
| 9. | Вазирлик ва идоралар томонидан олий таълим ва профессионал таълим муассасалари билан биргаликда уларнинг **ўқув дастурларини ишлаб чиқиш**. | 2023 йилдан бошлаб, ҳар йили сентябрь ойига қадар | Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), мутасадди вазирлик ва идоралар | **Бажарилмоқда.**<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 9 июндаги 259-сон буйруғи билан Мувофиқлаштирувчи соҳа кенгашлари ташкил қилинди ва низоми тасдиқланди. Бунда олий таълим муассасалари етакчи мутахассислари билан биргаликда меъёрий-услубий ҳужжатлари (малака талаби, ўқув режа, ўқув дастурлар) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. |
| 10. | Ҳар бир вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда секторлар кесимида алоҳида **“Ёшлар бандлиги дастурлари”**ни тасдиқлаш ва оммавий ахборот воситаларида аҳолига эълон қилиш.<br>**“Ёшлар бандлиги дастурлари”** ижроси | 2023 йил учун 1 июнга қадар<br><br>2024 йилдан бошлаб, ҳар йили февраль | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), мутасадди вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси | **Бажарилмоқда.**<br>Топшириққа асосан, ҳар бир ҳудуд бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | юзасидан эришилган натижалар бўйича кенг жамоатчиликка ҳисобот бериш. | ойида<br><br>2023 йилдан бошлаб, ҳар йили декабрь ойида | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари, сектор раҳбарлари | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда “Ёшлар бандлиги дастурлари” ва амалий чора-тадбир режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижтимоий тармоқнинг 20 дан ортиқ саҳифаларида ёритилди.<br>*Асос: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 24 июлдаги 01/00-04/13-6524-сонли хати.* |
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармони асосида йўлга қўйилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган **ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш** амалиётини **2025 йил 1 январга қадар узайтириш** бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни киритиш. | Икки ҳафта муддатда | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) | **Бажарилган.**<br>**“**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сонли Фармони асосида йўлга қўйилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб бериш амалиётини 2025 йил 1 январга қадар узайтириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. |
| 12. | **“Ёшлар дафтари”**га киритилган **талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизими**ни жорий қилиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни киритиш. | 2023 йил 1 июль | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, А.Саъдуллаев), | **Бажарилмоқда.**<br>“Ёшлар дафтари”га киритилган талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди Адлия вазирлигидан ҳуқуқий хулоса олинди. 2023 йил 27 июнда 01/31-1275-сон хат билан |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | мутасадди вазирлик ва идоралар | Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу топшириқ бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон қарори билан "Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини трансформация килиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 8-бандида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кайта ишлаб, регламентга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи берилган. Ушбу топширпиққа асосан Олий таълим муассасалари талабаларининг ҳақ тўланадиган малака амалиётини ташкил этиш тўғрисида қарор лойиҳаси қайта ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда **project.gov.uz** электрон тизимида вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда. |
| 13. | Олий таълим муассасалари талабаларининг стажировка ўташи учун **ҳар бир вазирлик ва идора кесимида тақсимоти**ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. | 2023 йил 1 июнь | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов, Ж.Қўчқоров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), мутасадди вазирлик ва идоралар | **Бажарилган.** “Ёшлар дафтари”га киритилган талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар дафтари”га киритилган талабалар учун давлат ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган стажировка тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идоралар билан келишилди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги томонидан 2023 йил 27 июнь куни 01/31-1275 сон хат билан Вазирлар |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Маҳкамасига киритилди.<br>Шунингдек, Олий таълим муассасалари томонидан талабаларининг стажировка ўташи учун ҳар бир вазирлик ва идора кесимида тақсимоти ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. |
| 14. | **IT, реклама, кино, архитектура, дизайн, маркетинг, ҳунармандчилик, рассомчилик** каби йўналишларда ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлашга зарур шароит яратиш мақсадида ҳар бир ҳудудда биттадан **“Креатив парк”** ташкил этиш. | 2023 йил якунига қадар *(тармоқ жадвалига мувофиқ ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, Саъдуллаев) | **Бажарилмоқда.**<br>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва келишувнинг ягона электрон тизими **project.gov.uz** орқали, ҳужжат рақами 80022 билан 25 та вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан келишилди. Норматив ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мақсадида Адлия вазирлигига киритилди. Қарор лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ҳудуд марказида биттадан “Креатив парк” фаолиятини ташкил этилиши назарда тутилмоқда. |
| 15. | Иқтидорли ёшларнинг **энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳалари**га қулай ҳамда енгил | Уч ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси | **Бажарилган.**<br>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | шартларда, заруратга қараб, фоизсиз ва гаровсиз маблағ ажратиш мақсадида **“Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари” жамғармаси** ва **электрон платформаси**ни ташкил қилиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни киритиш.<br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида:<br>жамғармага Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан қўшимча **100 миллион доллар** маблағ ажратиш;<br>**“Креатив парк”** резидентларига “**ИТ-парк”** резидентларига берилган **имтиёз** ва **енгилликлар**ни қўллаш;<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев) томонидан биргаликда жамғармани бошқариш, Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов) томонидан жамғарма маблағлари мақсадли ишлатилишини назорат қилишни назарда тутиш. | | Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.<br>Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва келишувнинг ягона электрон тизими **project.gov.uz** орқали **42 та** вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан келишилди.<br>Норматив ҳужжат лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.<br>Қарор лойиҳасида **“Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари”** жамғармаси ва электрон платформасини ташкил қилиш назарда тутилган.<br>Қарор лойиҳаси вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда **Вазирлар Маҳкамасига киритилди.** |
| 16. | **“Ёшлар дафтари” тизими**ни, жумладан, “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари сарфланишини янада **такомиллаштириш** бўйича **Ҳукумат қарори лойиҳаси**ни киритиш.<br>Бунда:<br>ёшларга **касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат қуроли ва уруғ-кўчат харид қилиш учун субсидия ажратиш** каби турдош | 2023 йил август | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, А.Саъдуллаев), | **Бажарилган.**<br>“**Ёшлар дафтари**” тизими орқали ёшларга кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турларини такомиллаштириш юзасидан субсидиялар бўйича ижтимоий мажбурият механизмини жорий этиш, дафтар орқали ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, меҳнат қуроллари ва уруғ кўчат харид қилиш учун субсидия ажратиш |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | хизматлардан **бир вақтнинг ўзида фойдаланиш** имкониятини яратиш;<br>уруғ ва кўчатларни тегишли ҳудуддаги **уруғ-кўчат хўжаликлар**идан тўғридан-тўғри сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **8 баробаригача** бўлган миқдордаги субсидияларни ажратиш амалиётини йўлга қўйиш;<br>ёшларни, айниқса, мактабларнинг 10-11-синф ўқувчиларини **анимация, дизайн, логистика оператори, гид** каби **замонавий касбларга ўқитиш**га алоҳида эътибор қаратиш;<br>“Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағининг камида **40 фоизи**ни ёшларни касб-ҳунарга ўқитишга йўналтириш;<br>жорий йилда замонавий касбларга ёшларни ўқитиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағларидан **100 миллиард сўм** ажратиш ва камида **25 минг нафар** ёшларни ўқитиш;<br>қўшимча **300 минг** нафар ёшларнинг хусусий марказларда тил ўрганиш харажатлари учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағларидан **100 миллиард сўм** субсидия ажратиш;<br>мамлакатимизда туман марказидан **10-40 километр** узоқликда жойлашган маҳаллаларда **спорт, маданият ва санъат** йўналишларида **тўгарак очган мураббийлар**га зарур инвентар ва жиҳозлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баробаригача** миқдорда **субсидия ажратиш**ни йўлга қўйиш. | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | каби турдош хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш, ёшларгга кўмак кўрсатишда камида **40 фоиз** ёшларни касб-ҳунарга ўқтишга йўналтириш, туман марказларидан **10-40 км** узоқликда жойлашган маҳаллаларда **спорт, маданият, санъат ва китобхонлик** йўналишларида тўгарак очган мураббийларга зарур инвентар ва жиҳозлар учун субсидия ажратиш тизимини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.<br>Норматив ҳужжат лойиҳаси Адлия вазирли томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.<br>Қарор лойиҳаси **36 та** вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда **Вазирлар Маҳкамасига киритилди**. |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| 17. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида **кечаю кундуз** ишлайдиган **“Ёшлар сайилгоҳлари”**ни ташкил этиш.<br>Бу сайилгоҳларда:<br>ҳар куни **киберспорт, спорт ва интеллектуал ўйингоҳлар**, **караоке** клублари, **театр**, **мода** подиумлари, **“боок кафе”**, **коворкинглар ва бошқа кўнгилочар тадбирлари** ўтказилишини йўлга қўйиш.<br>**истироҳат боғлари, хиёбонларда ижодий ва кино кечалари, рақслар, дискотекалар, викториналар, “Қувноқлар ва зукколар” танловлари** ва бошқа **билимга чорлайдиган ва кўнгилочар, ёшлар талабига мос тадбирлар**ни йўлга қўйиш.<br>Ушбу тадбирлар режасини ҳудудлардаги Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиққа киритиш ва ижрога қаратиш;<br>сайилгоҳларнинг **7 кун 24 соат** ишлашини таъминлаш.<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида орттирилган ижобий тажрибалар асосида барча туман (шаҳар)ларда **кечаю кундуз** ишлайдиган **“Ёшлар сайилгоҳлари”**ни ташкил этиш. | 2023 йил 30 июнь *(тармоқ жадвалига мувофиқ ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)*<br><br>2024 йил 30 июнь *(тармоқ жадвалига мувофиқ ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимлари | **Бажарилмоқда.**<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида **“Ёшлар сайилгоҳлари”**ни ташкил этиш, сайилгоҳларда ҳар куни **киберспорт, спорт** ва **интеллектуал ўйингоҳлар**, **караоке клублари**, **театр**, **мода подиумлари**, **“боок кафе”**, **коворкинглар ва бошқа кўнгилочар тадбирлари** ўтказилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 июлдаги 471-Ф-/7-сонли Фармойиши тасдиқланди ва ижрога қаратилди.<br>Мазкур Фармойиш билан ҳар бир туман ва шаҳарлардаги **“Ёшлар сайилгоҳлари”** ва истироҳат боғларида **тадбирлар ўтказилишини тизимли йўлга қўйиш** ва тадбирларга маданият, санъат, театр ва бошқа **ташкилотчи масъулларни манзилли бириктирилди.** |
| 18. | Ҳар бир туман ва шаҳарлардаги **“Ёшлар сайилгоҳлари”** ва истироҳат боғларида **тадбирлар ўтказилишини тизимли йўлга қўйиш** ва тадбирларга маданият, санъат, театр ва бошқа **ташкилотчи масъулларни манзилли бириктириш**га қаратилган **Ҳукумат қарори лойиҳаси**ни киритиш. | Икки ой муддатда | Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков), Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев), Ёшлар ишлари агентлиги | **Бажарилган.**<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида **“Ёшлар сайилгоҳлари”**ни ташкил этиш, сайилгоҳларда ҳар куни **киберспорт, спорт** ва **интеллектуал ўйингоҳлар**, **караоке клублари**, **театр**, **мода подиумлари**, **“боок** |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | (А.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимлари | **кафе”**, **коворкинглар ва бошқа кўнгилочар тадбирлари** ўтказилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 июлдаги 471-Ф-/7-сонли Фармойиши тасдиқланди ва ижрога қаратилди. |
| 19. | Тошкент шаҳридаги **“Анҳор”** ва **“Бўзсув”**, Нукус шаҳридаги **“Дўстлик”**, Урганч шаҳридаги **“Шовот”**, Фарғона шаҳридаги **“Марғилонсой”** каналлари бўйи каби республиканинг барча туман (шаҳар)ларида **“Ёшлар ижод кўчалари”**ни ташкил қилиш.<br>Бу объектларда **рассомлар, ҳайкалтарошлар**, **адиблар**, **созандалар** ва уларнинг мухлислари учун шароит яратиш.<br>**“Ёшлар ижод кўчалари”**ни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирларни **Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимот** қилиш. | 2023 йил 30 июнь *(тармоқ жадвалига мувофиқ ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)*<br><br>Бир ой муддатда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов) | **Бажарилмоқда.**<br>Республиканинг барча туман (шаҳар)ларида **“Ёшлар ижод кўчалари”**ни ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.<br>Жумладан, Фарғона шаҳри Юксалиш кўчасида "Ёшлар ижод боғи", Бухоро вилояти Ромитан туманида Ёшлар сайлигоҳи ишга тушурилди. |
| 20. | Барча **олий таълим муассасалари**да **“коворкинг”**, **театр** студиялари ва **рақс** майдончаларини ташкил этиш. | 2023 йил 1 сентябрь *(тармоқ жадвалига мувофиқ ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков), олий таълим муассасалари ректорлари | **Бажарилмоқда.**<br>Барча олий таълим муассасаларида “коворкинг”, театр студиялари ва рақс майдончаларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. 2023-2024-ўқув йилида тўлиқ йўлга қўйилиши таъминланади.<br>Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон давлат консерваториясида “Мусиқий театр студияси” ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқув театри муассасаси ичида овоз ёзиш театр студиялари ҳамда Ўзбекистон давлат |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | хореография академиясида ўқув тетрлари ташкил этилган.<br>Мазкур ижодий студияларда олий таълим муассассасаларининг иқтидорли ва ижодкор талаба-ёшлари ўқув жараёнларида кенг фойдаланиб келинмоқда.<br><br>*Асос: Маданият вазирлигининг 2023 йил 22 сентабрдаги 03-12-15-6675-сонли хати.* |
| 21. | Барча **олий таълим муассасалари**да **футбол, волейбол, баскетбол, шахмат, стол тенниси** каби спорт турлари бўйича **клублар** фаолиятини йўлга қўйиш.<br>Ушбу клублар ўртасида **“Талабалар спорт лигалари”** турнирларини мунтазам ташкил этиш. | 2023 йил 1 сентябрь<br><br>2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар ўқув йилида | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), олий таълим муассасалари ректорлари | **Бажарилмоқда.**<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий гвардияси билан биргаликда “Оммавий футбол”, “Мактабларда футбол” ва “Талабалар лигаси” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 2023 йил 5 майдаги 12-Қ/Қ-сонли Қўшма қарор қабул қилинди. Мазкур қўшма қарорга мувофиқ, давлат олий таълим муассасалари талабалар ўртасида “Талабалар лигаси” спорт мусобақалари 2023-2024-ўқув йилидан бошлаб ҳар йили мунтазам равишда тизимли ташкил этилиши белгиланди. Қўшма қарор билан Ташкилий қўмита аъзолари рўйхати, “Талабалар лигаси” мусобақаси ягона тартиби (низоми), мусобақалар ва турнирларга пухта тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | жараёни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида кенг ёритиш бўйича медиа-режаси тасдиқланди.<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси, Ўзбекистон Бескетбол Федерацияси, Ўзбекистон Волейбол Федерацияси, Ўзбекистон Стол тенниси Федерацияси, Ўзбекистон Шахмат Федерацияси билан биргаликда Баскетбол, Волейбол, Стол тенниси, Шахмат турлари бўйича 3 босқичли “Талабалар лигаси” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” Қўшма қарор қабул қилинди |
| 22. | Мамлакатимиздаги стационар турдаги **оромгоҳларда** ҳар йили ёз мавсумида **150 минг нафар**дан зиёд ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш чораларини кўриш. | 2023 йилдан бошлаб ҳар йили июнь-август ойларида | Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиков),<br>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова),<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов),<br>Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев),<br>Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев),<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар,<br>Қорақалпоғистон | **Бажарилмоқда.**<br>2023 йил мавсумида стационар оромгоҳларда жами **157 минг 775 нафар** болалар соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача **154 минг 73 нафар** болалар соғломлаштирилди. Шундан, 2023 йил мавсумида Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги стационар оромгоҳларда жами **67 минг 785 нафар** болалар соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача **65 минг 442 нафар** болалар соғломлаштирилди.<br>Амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот Президент Администрациясига киритилди *(11.08.2023 й., 1-10-21-2248 сон хат)*. |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | |
| 23. | Оромгоҳларга борувчи **ёшлар сони тақсимотини таълим муассасалари кесимида тасдиқлаш** ва ижросини ташкил этиш. | 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 20 май санасига қадар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Давлат хавфсизлиги хизмати (Ж.Жўраев) | **Бажарилган.**<br>Мазкур топшириқ ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 майдаги “2023 йилги болаларни ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишчора-тадбирлари тўғрисида”ги 18-сонли мажлиси баёни билан оромгоҳга борувчилар ёшлар сони ва тақсимоти таълим муассасалар кесимида тасдиқланди.<br>Унга асосан 2023 йил ёз мавсуми давомида **954 та** таълим муассасаларига **152 минг нафар** ўқувчилар дам олиши режалаштирилди.<br>Жорий йилда мавсум якунларига асосан **954 та** соғломлаштириш майдончаларида **173 минг нафар** болалар дам олдирилди.<br>Амалга оширилган ишлар бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги 2023 йил 1 июндаги 06-04/3-1166-сонли хати билан ахборот киритилди. |
| 24. | Оромгоҳларни **қишда – таълим ва интеллектуал**, **баҳорда – ижод**, **ёзда – соғломлаштириш**, **кузда – ҳарбий-ватанпарварлик** оромгоҳлари сифатида фаолият юритишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритиш. | Уч ой муддатда | Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ.Рафиков), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва | **Бажарилган.**<br>Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг жорий йил 31 июлдаги БМ-13/1076-сонли хати орқали оромгоҳларни қишда – таълим ва интеллектуал, баҳорда – ижод, ёзда – соғломлаштириш, кузда – ҳарбий- |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | Бунда, оромгоҳларни ихтисослашувини инобатга олган ҳолда уларни мослаштириш, жумладан, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш, моддий-техника базасини шакллантириш ҳамда харажатларнинг аниқ молиявий манбаларини назарда тутиш. | | инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | ватанпарварлик оромгоҳлари сифатида фаолият юритишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритилган. Унга кўра:<br>- оромгоҳларни қишда – таълим ва интеллектуал, баҳорда – ижод, ёзда – соғломлаштириш, кузда – ҳарбий-ватанпарварлик оромгоҳлари сифатида фаолият юритишини ташкил этиш мақсадида оромгоҳларда болаларнинг дам олиши ва соғломлаштириш ишларини босқичма-босқич ташкил этиш, қолган вақтларда оромгоҳлар дам олиш маскани сифатида фаолият юритиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳ шакллантириш ва Низомини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш;<br>- низомга мувофиқ Ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар ўтказиш ҳамда ўрганишлар натижасига кўра уларни мослаштириш, жумладан қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш, моддий-техника базасини шакллантириш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;<br>- болалар соғломлаштириш оромгоҳларини ихтисослашувини инобатга олган ҳолда уларни мослаштириш, жумладан, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш, моддий-техника базасини шакллантириш харажатларининг молиявий манбаси этиб Давлат раҳбарининг 2022 йил 18 ноябрдаги ПҚ-427-сонли қарорининг |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | 1-банди, “б”-кичик бандига мувофиқ Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва ундан ташқари оромгоҳларни дам олиш маскани сифатида фойдаланишдан олинган даромади ҳисобига ҳам амалга ошириш таклифлари ишлаб чиқилган. |
| 25. | Мамлакатимиздаги оромгоҳларда касаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг тўлиқ ёки бир қисмини қоплаш мақсадида ота-оналарга компенсация бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 18 ноябрдаги ПҚ-427-сон қарорига ўзгартириш киритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.<br>Бунда ота-оналарга бериладиган кампенсация суммаси амалдаги тартибда белгиланган миқдордан кўпроқ бўлиши, шунингдек оромгоҳлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва уларни барча солиқ тўловларидан озод этишни назарда тутиш. | Икки ой муддатда | Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ.Рафиков), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Қудбиев), манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | **Бажарилган.**<br>Мамлакатимиздаги оромгоҳларда касаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг тўлиқ ёки бир қисмини қоплаш мақсадида ота-оналарга компенсация бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 18 ноябрдаги ПҚ-427-сон қарорига ўзгартириш киритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланди ҳамда 2023 йил 14 июнь куни ПФ-95-сонли Фармон билан тасдиқланди.<br>Бунда оромгоҳларда касаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг тўлиқ ёки бир қисмини қоплаш мақсадида ота-оналарига компенсация ажратиш, ота-оналарга бериладиган компенсация суммаси амалдаги тартибда белгиланган миқдордан кўпроқ бўлиши, шунингдек |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | оромгоҳлардан йил давомида самарали фойдаланиш ва уларни барча солиқ тўловларидан озод этиш масалалари ушбу фармонда кўрсатиб ўтилган.<br><br>*Асос: Касаба уюшмалар федерациясининг 2023 йил 24 июлдаги БМ-13/1023-сонли хати* |
| 26. | Ҳар бир туманда **5 тадан** чекка мактабларнинг **тўгарак синфларини зарур техника** билан жиҳозлаш ва илғор ўқув марказлари билан **шартнома** имзолаш.<br>Бунда, сарф-харажатларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш. | Икки ой муддатда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, туманлар ҳокимлари | **Бажарилмаган.**<br>Амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот киритилмаган. |
| 27. | **219 та “Баркамол авлод”** болалар мактабларининг жами тўгарак аъзоларига нисбатан ўқувчилар қамровини **2023 йил якунига қадар 50 фоиз**га оширишга қаратилган аниқ чоралардан иборат **Ҳукумат қарори**ни қабул қилиш. | Бир ой муддатда | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2023 йил 2 июндаги 06-06/2-1195-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги ПФ-79-сонли фармони 5.29-бандида 2023 йил 1 декабргача “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланганлиги сабабли муддат 2023 йил 1 декабрга қадар узайтирилган. |
| 28. | Ҳар бир мактаб, коллеж-техникум, олийгоҳларнинг бўш ҳудудларида **“Таълим муассасаси – маҳалла учун маънавият ўчоғи” шиори остида** мардлик, жасорат, оиласи, маҳалласи ва Ватанига муҳаббат | Икки ой муддатда | Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбонов), Миллий гвардия (Р.Жўраев), | **Бажарилган.**<br>Мазкур топшириққа асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | туйғуларини ёшлар қалбида мустаҳкамлайдиган **маҳорат дарслари**ни мунтазам йўлга қўйиш бўйича **Ҳукумат қарори лойиҳаси**ни киритиш. | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туман ва шаҳар ҳокимлари | 11 август кунидаги “Ёшлар орасида “Таълим муассасаси - маҳалла учун маънавият ўчоғи” шиори остида мардлик, жасорат, оила, маҳалла ва Ватанга муҳаббат туйғуларини кенг оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 357/14-сон қарори имзоланди. Мудофаа вазирлиги қўшинларида юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 19 август куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августдаги 357-сон қарори ижросини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 710-сон буйруғи тасдиқланган ва ижро учун қўшинларга юборилган.<br>Жорий йил 4 сентябрь куни Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва фахрийлари томонидан ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудлар атрофидаги умумтаълим мактабларида ўқувчи-ёшлар билан “Мустақиллик” ва “Жасорат” дарсларини ўтказилди. Бугунги кунда, ҳарбий хизматчилар ва фахрийлар томонидан ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида ёшлар билан “Таълим муассасаси - маҳалла учун маънавият ўчоғи” шиори остида тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилган.<br><br>*Асос: Мудофаа вазирлигининг 2023 йил 8 сентябрдаги 14/2475-сонли алоқа хати.* |
| 29. | **Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон** каби туристик | 2023 йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси | **Бажарилмоқда.**<br>Ҳудудларнинг марказий парк ва |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | мажмуаларда, **шаҳар** ва **туманлар**даги марказий парк ва хиёбонларда **“Очиқ осмон остида кутубхона”**лар ташкил қилиш. | *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | хиёбонларида **“Очиқ осмон остида кутубхона”**лар ташкил қилиш юзасидан жойлашиш жойи (локацияси) ҳамда қамрови юзасидан маълумотлар олиниб, смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. |
| 30. | Ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускорларга **1 мингтадан ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларини** етказиб бериш;<br>ушбу кутубхоналарни **компьютерлар билан таъминлаш**.<br>Бунда, сарф-харажатларни маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ташаббускор ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ташаббускор ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускорларга 1 мингтадан ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларини етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. |
| 31. | Ташаббускорларга ўз ҳисобидан барпо этаётган кутубхоналарда Алишер Навоий номидаги **Ўзбекистон Миллий кутубхонаси**нинг электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш орқали уларни **интеграция** қилиш. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) | **Бажарилмаган.**<br>Амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот киритилмаган. |
| 32. | Ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари ўртасида **сўровномалар ўтказиш** ва талаб энг юқори бўлган китобларни аниқлаш.<br>Ёшлар кўп овоз берган **китобларни ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмаси** жорий қилиш.<br>Бунда, нашриётларга **1 мингта** китоб таржимасига буюртмани шакллантириб, хусусий нашриётлар ўртасида очиқ танлов ўтказиш. | Бир ой муддатда<br><br>Уч ой муддатда | Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | **Бажарилган.**<br>Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари ўртасида сўровномалар ўтказилиб, ўзбек тилли китобхонлари аудиториясига зарурий илмий-оммабоп китобларни таржима қилиш ҳамда ёшларнинг ўз соҳалари бўйича керакли билимларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида **“1000 китоб”** лойиҳаси ташкил этилди. Жамоатчилик фаоллари, олимлар ҳамда таржимонлардан иборат экспертлар кенгаши тузилди. Экспертлар кенгаши томонидан 20 дан |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ортиқ йўналишлар бўйича ўзбек тилига таржима қилиниши муҳим деб топилган **1000 дона** китоб рўйхати шакллантирилди. Агентлик директорининг “Хорижий тиллардаги энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиш хизматини белгиланган тартибда харид қилиш тўғрисида”ги 01-10/155-сон буйруғи тасдиқланди. Мазкур буйруқ асосида китоб таржимаси учун маблағ ажратиш назарда тутилган. Хорижий тиллардаги энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиш юзасидан техник талаблар ишлаб чиқилиб **xarid.uz** тизими орқали очиқ танловга қўйилди. Амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди (03.08.2023 йил, 1-01-21-2134 сон хат). |
| 33. | **Китобларни ўзбек тилига таржима қилишда** хусусий нашриётларга **кредитлар фоизини қоплаб бериш, гаров таъминоти бўйича енгилликлар** бериш тизимини йўлга қўйиш. | Бир ой муддатда | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (А.Махаматов), Марказий банк (М.Нурмуратов), тижорат банклари | **Бажарилмаган.**<br>Амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот киритилмаган. |
| 34. | **Ўзбек тилига таржима қилинган китобларни олий ва профессионал таълим муассасалари, мактаблар, маҳалла кутубхоналарига тарқатиш**;<br>ушбу китобларнинг **электрон матни ва** | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари ўртасида сўровномалар ўтказилиб, ўзбек тилли китобхонлари аудиториясига зарурий |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | **аудио форматини яратиб, ёшлар ўртасида оммалаштириш**. | | (Х.Умарова),<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов),<br>Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | илмий-оммабоп китобларни таржима қилиш ҳамда ёшларнинг ўз соҳалари бўйича керакли билимларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “**1000 китоб**” лойиҳаси ташкил этилди. Жамоатчилик фаоллари, олимлар ҳамда таржимонлардан иборат экспертлар кенгаши тузилди. Экспертлар кенгаши томонидан **20 дан** ортиқ йўналишлар бўйича ўзбек тилига таржима қилиниши муҳим деб топилган **1000 дона** китоб рўйхати шакллантирилди. Агентлик директорининг “Хорижий тиллардаги энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиш хизматини белгиланган тартибда харид қилиш тўғрисида”ги 01-10/155-сон буйруғи тасдиқланди. Мазкур буйруқ асосида китоб таржимаси учун маблағ ажратиш назарда тутилган. Хорижий тиллардаги энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиш юзасидан техник талаблар ишлаб чиқилиб **xarid.uz** тизими орқали очиқ танловга қўйилди.<br>Танлов натижаларига асосан ғолиб аниқланмаганлиги сабабли танловга қайта қўйилди.<br>Амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди *(03.08.2023 й. 1-01-21-2134 сон хат).* |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| 35. | Ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларига нутқи равон ёшлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорларни жалб қилиб, **“Китоб ўқиш кечалари”**ни ташкил қилиш. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Сайидов) | **Бажарилмоқда.**<br>Жорий йилнинг август-сентябрь ойида “Маърифат кунлари” лойиҳаси ҳамда лойиҳа доирасида ўтказиладиган тадбирлар режа графиги ва сценарийси ишлаб чиқилди. “Маърифат кунлари” лойиҳаси доирасида “Китоб – маънавият сарчашмаси”, “Ёз китоб билан ўтмоқда соз”, “Инсон китоб билан, китоб инсон билан тирик”, “Билимдон ёшлар”, “Бахтли бўлиш ўз қўлимизда”, “Ғазалхон ёшлигим”, “Мен севган китоб” мавзуларида **30 дан ортиқ** гулхан атрофидаги бадиий-маърифий тадбирлар; “Заковат”, “Касб-ҳунар олимпиадаси” интелектуал-маърифий, “Онамдайин азиз ватан” мавзуларида ватанни мадҳ қилувчи **20 га яқин** мусобақалар ташкил қилинди. Шунингдек, тадбирлар давомида “Фазилатли жамият”, “Саховат”, “Инсон азиз”, “Спорт дўст, спорт ҳамроҳ”, “Ота-онага эҳтиром”, “Аждодларга эҳтиром” каби **10 та** кичик лойиҳалар амалга оширилди<br><br>*Асос: Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2023 йил 24 октябрдаги 02-19/1161-сонли алоқа хати.* |
| 36. | Ҳар бир туман ва шаҳарда **“Ёшлар дафтари”**га киритилган **100 нафар**дан ёшларнинг **ички туристик саёҳатлари**ни ташкил қилиш.<br>Ушбу мақсад учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағларидан 2023 йилда | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Давлат хавфсизлик | **Бажарилмоқда.**<br>Топшириқ ижроси юзасидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ички туристик саёҳатларини ташкил қилиш мақсадида “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағларидан **4 282 нафар** ёшларнинг |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | **30 миллиард сўм**, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан **60 миллиард сўм** ажратиш. | | хизмати (Ж.Жураев), Маданият ва туризм вазирлиги (У.Аъзамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | ички туристик саёҳатларини ташкил қилиш учун **1,8 млрд. сўм** маблағ ажратилган. Хусусан:<br>- Қорақалпоғистон Республикасида **2 308 нафар** ёшларга **894,2 млн. сўм;**<br>- Андижон вилоятида **3 нафар** ёшларга **1,6 млн.сўм;**<br>- Бухоро вилоятида **168 нафар** ёшларга **81,1 млн. сўм;**<br>- Наманган вилоятида **530 нафар** ёшларга **184,6 млн. сўм;**<br>- Самарқанд вилоятида **468 нафар** ёшларга **227,2 млн. сўм;**<br>- Сирдарё вилоятида **113 нафар** ёшларга **44,8 млн. сўм**;<br>- Сурхондарё вилоятида **288 нафар** ёшларга **103,1 млн. сўм;**<br>- Тошкент вилоятида **201 нафар** ёшларга **93,1 млн. сўм;**<br>- Хоразм вилоятида **3 нафар** ёшларга **1,7 млн. сўм**;<br>- Жиззах вилоятида **83 нафар** ёшларга **90,4 млн. сўм**;<br>- Фарғона вилоятида **24 нафар** ёшларга **17,7 млн сўм;**<br>- Навоий вилоятида **1 нафар** ёшга **0,5 млн. сўм;**<br>- Қашқадарё вилоятида **11 нафар** ёшларга **4,4 млн. сўм**;<br>- Тошкент шаҳрида **81 нафар** ёшларга **31,9 млн.сўм** маблағ ажратилган. |
| 37. | Ёшлар ўртасида ошпазлик, кондитерлик, стилистлик, дизайнерлик, ҳунармандчилик йўналишларида **“Касб-ҳунар** | Бир ой муддатда | Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), | **Бажарилган.**<br>Топшириқ ижроси юзасидан “Ёшлар ўртасида ошпазлик, кондитерлик, |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | **олимпиадалари”**ни ҳар йили ташкил қилиш бўйича **алоҳида дастур лойиҳаси**ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.<br>Дастур орқали олимпиада ғолибларига устахоналар қуриб бериш, зарур дастгоҳлар олиб беришни йўлга қўйиш.<br>Ушбу мақсад учун “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари ва Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан **45 миллиард сўм** маблағ ажратиш. | | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) | стилистлик, дизайнерлик, ҳунармандчилик йўналишларида “Касб-ҳунар олимпиадалари” ташкил қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Дастурга асосан олимпиада ғолибларига устахоналар қуриб бериш, зарур дастгоҳлар олиб бериш йўлга қўйилган. “Касблар танлови”да иштирок этиш мақсадида рўйхатдан ўтиш учун 5tashabbus.uz электрон платформаси ишлаб чиқилиб, ушбу плафторма орқали республика бўйича жами **732 120 нафар** ёшлар (шундан, **409 459 нафари** хотин-қизлар) рўйхатдан ўтиб, лойиҳада қатнашиш истагини билдирган.<br>Танловнинг республика босқичида иштирок этган **70 нафар** ёшларга **1 млрд. 950 млн. сўм** миқдорида маблағлар ажратилиб, унда 1-ўрин учун 100 млн. сўм, 2-ўрин учун 75 млн. сўм, 3-ўрин учун 50 млн. сўм миқдорида енгил конструкцияли ишлаб чиқариш цехи ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ташкил этиш, қолган барча иштирокчиларга 15 млн. сўмдан тегишли соҳа бўйича асбоб-ускуналар олиб бериш бўйича ваучерлар берилди.<br>*Асос: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 24 июлдаги 01/00-02/13-10296-сонли хати.* |
| 38. | Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни киритиш.<br>Бунда, Республика Маънавият ва | Икки ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, | **Бажарилган.**<br>Республика Маънавият ва маърифат маркази дастурий фаолиятининг камида 70 фоизини интернет ва медиа-маконда рақамли тарғиботга йўналтирсин; ижтимоий |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | маърифат маркази дастурий фаолиятининг камида **70 фоизи**ни **Интернет ва медиа маконда рақамли тарғиботга** йўналтириш;<br>**ижтимоий тармоқларда замон талабига мос янги лойиҳалар**ни тизимли равишда йўлга қўйишни назарда тутиш. | | Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жураев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов) | тармоқларда замон талабига мос янги лойиҳаларни тизимли равишда йўлга қўйиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг 8 июнь санасида Марказнинг 01/17-559-сон алоқа хати орқали ҳамкор ташкилотларга келишиш учун киритилган.<br>Ҳозирги кунга келиб **20 та** вазирлик ва идоралар билан келишилди ҳамда Президент Администрациясига кўриб чиқиш учун киритилди.<br><br>*Асос: Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2023 йил 24 октябрдаги 02-19/1161-сонли алоқа хати.* |
| 39. | Ўз меҳнати, ҳаракати, интилувчанлиги билан катта натижаларга эришган иқтидорли спортчилар, ёш тадбиркорлар ва таълимда улкан ютуқларга эришган ёшларнинг муваффақият йўлига бағишланган **фильмларни яратиш**. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб бориш)* | Кинематография агентлиги (Ф.Абдухаликов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | **Бажарилмоқда.**<br>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Кинематография агентлигига ҳамкорликда ишлаш ва ташкил этиладиган ишчи гуруҳга номзод шунингдек, ўз меҳнати, ҳаракати, интилувчанлиги билан катта натижаларга эришган иқтидорли спортчилар, ёш тадбиркорлар ва таълимда салмоқли ютуқларга эришган **19 нафар** ёшларнинг рўйхати шакллантирилиб, тақдим этилди.<br>*(17.06.2023 й., 2-04-21-1696 сон хат).* |
| 40. | Таълим муассасалари ўқувчи ва талаба-ёшлари **радикаллашуви**нинг **олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар**ни йўлга қўйиш. | 2023 йил давомида *(ҳар ойда ҳисобот бериб* | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси | **Бажарилмоқда.**<br>Таълим муассасаларида ўқувчи ва талаба ёшларни радикаллашувининг олдини олиш бўйича октябрь ойида олий |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | *бориш)* | М.Камилов, Дин ишлари бўйича қўмита (С.Тошбоев) | таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида **2 138** маротаба (йил бошидан **11 457**) **“Жаҳолатга қарши маърифат”** шиори остида маънавий-марифий тарғибот тадбирлари ўтказилди.<br>Республика ишчи гуруҳи ҳамкорлигида **20 та** Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва педагоглари билан ҳамда **21 180** нафар аҳоли билан тарғибот ишлари ташкил этилди.<br>Шунингдек, **624 та** умумтаълим мактабларда **398 505 нафар** юқори синф ўқувчилари билан “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди.<br><br>*Асос: Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 23 октябрдаги 02-06/318-сонли алоқа хати* |
| 41. | Ёшларни **мафкуравий таҳдидлар**дан ҳимоя қилиш, уларга **соғлом фикр ва мотивация беришга қаратилган контентларни кўпайтириш** бўйича режани тасдиқлаш ва ижрога қаратиш. | Бир ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов), Кинематография агентлиги (Ш.Ризаев), Ўзбекистон Миллий телеградио-компанияси (А.Ходжаев), | **Бажарилган.**<br>Ҳамкор ташкилотлар билан келишган ҳолда жорий йилнинг 23 июнь санасида 13 банддан иборат режа ишлаб чиқиб, тасдиқланди ҳамда ижрога йуналтирилди.<br>Режа бўйича мутахассислар, эксперт, дин уламолари, ёзувчи ва шоирлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида “Тафаккурга йўл”, “Мотивация”, “Ренессанс ёшлари”, “Орзуингга ишон”, “Китоб ва қаҳва”, “Миллат ва маъавият”, “Нажот билимда”, “Маърифатнома”, “Маънавият сабоқлари”, “Янги Ўзбекистон ёшлари”, “Ёшлар вақти”, “Ёшлар нигоҳи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Ўзбекистон |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | ёшлари”, “Маърифий суҳбатлар”, “Инсон қадри”, “Ёшлар билан”, “Минбар”, “Бешинчи фасл”, “Ёшлар ва замон”, “Ёшлар сиёсати амалда”, “Орзулар қанотида”, “Келажак бунёдкорлари”, “Янги Ўзбекстон фарзандлари” каби телекўрсатув, ток-шоу, мулоқот ва давра суҳбатлари тайёрланиб, эфирга узатилди.<br><br>*Асос: Ўзбекистон МТРКнинг 2023 йил 23 октябрдаги 04-15/2285-сонли алоқа хати.*<br><br>*Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2023 йил 24 октябрдаги 02-19/1161-сонли алоқа хати.* |
| 42. | Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ихтисослашган алоҳида **теле-кўрсатувлар** ташкил қилиш.<br>Бунда, Ватанимизнинг ҳарбий қудрати, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, уларнинг жасорати, ҳарбий-ўқув машғулотларга бағишланган **контентларни кўпайтириш**. | 2023 йил 1 октябрга қадар | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ўзбекистон Миллий телеградио-компанияси (А.Ходжаев), Кинематография агентлиги (Ш.Ризаев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | **Бажарилган.**<br>Жорий йилнинг июль ойи давомида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбий ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш, улар орасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида ўтказилган “Тўмарис издошлари” кўрик танлови жараёнлари асосида тайёрланган видеорепортаж Марказнинг телеграм канали, ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилди.<br>*https://t.me/manaviy_markaz/16246*<br>Шунингдек, ҳарбий соҳада илм-фан ривожи Ахборот коммуникациялари технологиялари ва алоқа ҳарбий институти фаолиятидан репортаж тайёрланди ҳамда “Ўзбекистон 24” телеканали орқали ёритилди. |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Ижтимоий тармоқларда – марказнинг телеграм, “You tube” каналлари орқали намойиш этилди. *https://www.youtube.com/watch?v=ocl9EsMlzts* Жорий йилнинг август-сентябрь ойлари давомида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касбий ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш, улар орасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида ўтказилган “Янги Ўзбекистон ва Мен” шиори асосида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи раҳбари лейтенант Шуҳрат Муҳаммадхонов ҳақида видеорепортаж тайёрланди ҳамда Марказнинг телеграм канали, ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилди. *https://t.me/manaviy_markaz/16792*<br><br>*Асос: Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2023 йил 24 октябрдаги 02-19/1161-сонли алоқа хати.* |
| 43. | **Россия, Туркия** ва **Қозоғистон** каби ёшларимиз кўп бўлган давлатларда алоҳида **“Ёшлар баланси”**ни шакллантириш ва **махсус Ишчи гуруҳи**нинг хизмат сафарларини ташкил этиш.<br>Ушбу баланс асосида **хориждаги ёшларга кўмак бериш** бўйича **алоҳида дастур** ишлаб чиқиш.<br>Бунда, хориждаги ёшларимиз билан | Уч ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов), Камбағалликни қисқартириш ва | **Бажарилган.**<br>АҚШ, Россия, Туркия ва Қозоғистон каби ёшларимиз кўп бўлган давлатларда алоҳида “Ёшлар баланси”ни шакллантирилди ва махсус Ишчи гуруҳининг хизмат сафарлари ташкил этилмоқда.<br>Бунда хориждаги ёшларимиз билан ишлашга элчилар, консуллар, Ёшлар ва Ташқи миграция агентликларининг чет |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | ишлашга **элчилар, консуллар, Ёшлар ва Ташқи миграция агентликларининг чет элдаги ваколатхона** масъулларини номма-ном бириктириш. | | бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) | элдаги ваколатхона масъулларини номма-ном бириктириш режалаштирилган. |
| 44. | 2023 йилги давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш учун ажратилган субсидия ҳисобидан **Ёшлар иттифоқига 40 млрд сўм ажратиш**.<br>Бунда, 2023 йилда Ёшлар иттифоқи фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича **Ҳукумат фармойиши лойиҳаси**ни киритиш. | Бир ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Ёшлар иттифоқи (Т.Поёнов) | **Бажарилган.**<br>Ушбу банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 июндаги 335-Ф/8-сонли ХДФУ Фармойиши тасдиқланиб, белгиланган тартибда маблағлар ажратилди. |
| 45. | **“Ёшлар парламентлари”** фаолиятини янада такомиллаштириш.<br>Бунда, ҳар бир вазирлик ва идораларга “Ёшлар парламентлари”нинг **2 нафардан** вакилларини бириктириш;<br>“Ёшлар парламентлари” томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, сектор раҳбарлари томонидан жойларда ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф** киритиб бориш. | Бир ой муддатда<br><br>Ҳар ой якунида | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (Т.Нарбаева) Ёшлар парламентлари, мутасадди вазирлик ва идоралар | **Бажарилмоқда.**<br>Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига бириктирилган “Ёшлар парламентлари” аъзолари томонидан ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганишлар олиб бориш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида вазирлик раҳбарияти иштирокида учрашув ўтказилди.<br>Учрашувда вазирликка бириктирилган “Ёшлар парламентлари” аъзолари ҳар ойда икки маротаба ташриф буюриши ҳамда жойларда ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ўрганишлар олиб борилишига келишиб олинди.<br>Шунингдек, “Ёшлар парламентлари” аъзолари билан ҳамкорликда ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, ишларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Президент Администрациясига киритилди.<br>*Асос: 2023 йил 15 июндаги 02-02/15-03/15/5937-сон ХДФУ хати* |
| 46. | Ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган **“Янги Ўзбекистон ёшлари” стратегияси** лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Стратегия лойиҳасида ёшларни **Ватанга садоқат** руҳида тарбиялаш, **бандлигини** таъминлаш, уларни **“Ай-Ти”**, **хорижий тил, замонавий касблар**га ўқитиш, **спортга** жалб қилиш, **хориждаги ёшлар** билан ишлаш, **миллий** ва **оилавий қадриятларни** мустаҳкамлаш масалаларини назарда тутиш;<br>соҳада эришиладиган аниқ **мақсадли индикаторлар**ни белгилаш. | Уч ой муддатда | Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.Куранбаев, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, А.Саъдуллаев), Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар, | **Бажарилган.**<br>Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар билан ишлаш ва уларнинг интилишларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.<br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва келишувнинг ягона электрон тизими **project.gov.uz** орқали, ҳужжат рақами 80407 билан 39 та вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан келишилди. Норматив ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мақсадида Адлия вазирлигига киритилди.<br>Қарор лойиҳаси бўйича Адлия вазирлигидан экспертиза хулосаси олиниб, тегишли тартибда Вазирлар Маҳкамасига |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги | киритилди. |
| 47. | Ўзбекистон Республикасининг **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш**. | 2024 йил 30 июнь | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов), Сенати (Т.Нарбаева), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов, А.Саъдуллаев) | **Бажарилоқда.**<br>Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш бўйича вазирлик идоралар ҳамда ҳудудий мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди.<br>Шунингдек, белгиланган тартибда таклифлар ёшлардан барча йўналишларда онлайн, телефон орқали бевосита шакллантирилди.<br>Ҳудудлардан ва бевосита ёшлардан шакллантирилган таклифлар экспертлар гуруҳи томонидан **4 марта** муҳокама қилинди.<br>Муҳокамалар якуни бўйича “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан жами **12 та** таклифлар сараланиб, Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил 20 июндаги 02-10-21-1711-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 24 июндаги 02-02/15-02/15/6299-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Бундан ташқари, янгиланаётган Қонун лойиҳаси бўйича **икки маротаба** Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида муҳокамалар ўтказилди. |
| 48. | Ёшлар билан ишлаш бўйича Ички ишлар вазирлигини намунали тизимга айлантириш бўйича чора-тадбирларни **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тақдимот қилиш**.<br>Ички ишлар вазирлиги тизимида “**Ёшлар масаласи бўйича биз ўзимиз масъул ва жавобгар**” рукни остида ёшлар билан ишлаш бўйича ОАВда чиқишлар қилиш. | Бир ой муддатда<br><br>Икки ой муддатда | Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) | **Бажарилмоқда.**<br>Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вояга етмаганлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID-81798 (V-1)) ишлаб чиқилиб, 2023 йил 15 июнь куни идоравий келишиш учун вазирлик ва идораларга киритилди.<br>*Асос: 2023 йил 23 июндаги 26/2341-сонли хат.* |
| 49. | Ёшлар ўртасида **жиноятчиликни кескин камайтириш** ва **олдини олишга** қаратилган янги тизим яратиш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси**ни ишлаб чиқиш ва **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тақдимот қилиш**. | Бир ой муддатда | Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Миллий гвардия (Р.Жўраев), Бош прокуратура (Н.Йўлдашев) | **Бажарилган.**<br>Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вояга етмаганлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID-81798 (V-1)) ишлаб чиқилиб, 2023 йил 15 июнь куни идоравий келишиш учун вазирлик ва идораларга киритилди.<br>*Асос: 2023 йил 23 июндаги 26/2341-сонли хат.* |
| 50. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва барча туман (шаҳар)ларда: | Ҳар ойнинг 25 санасидан 30 санасигача | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | **Бажарилган.**<br>Жорий йилнинг 11 май – 19 июль кунлари Республика комиссияси ***(75** нафар)* |

| Т/р | Топшириқлар мазмуни | Топшириқлар ижро муддати | Ижро учун масъуллар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|
| | **ўтаётган ойда** ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини **танқидий таҳлил қилиш**;<br>**кейинги ой учун** ёшлар билан ишлаш бўйича **аниқ режаларни белгилаш** ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқлаш. | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳудудий бўлинмалари, туман ва шаҳар ҳокимлари | томонидан Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча маҳаллаларида “қизил” ва “сариқ” тоифадаги ёшлар билан ишлаш ҳолати бирма-бир танқидий ўрганилди.<br>Ўрганиш якунлари юзасидан маҳаллалардаги ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика ҳамда Ҳудудий комиссия раҳбарлари иштирокида муҳокама йиғлишлари ўтказилиб, ҳудудларда ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини танқидий таҳлил қилинди. |
| 51. | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва барча туман (шаҳар)лар ҳокимлари режаларини танқидий муҳокама қилиш ва ушбу раҳбарлар томонидан ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот ва таклифлар киритиш**. | Ҳар ойда | Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов) | **Бажарилмоқда.**<br>Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йил 14 июлдаги 2-01-21-1913-сонли хатига асосан Ўзбекистон Респбликаси Президенти Администрациясига ахборот киритилди. |